





ХУКУК

Ҳукмда мантиқ бўлса

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида "Судлар мустақилдир, фақат қонунга амал қиладилар. Судларнинг ишига аралашшига ҳеч қимнинг ҳақи йўқ. Суд чиқарган ҳукм, ҳал қилув қарорлари ҳамма учун мажбурий, ижро этилиши шарт" дейилган.

қилмаганликда айбланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 182-, 184-моддаларига қўра, Василей Романенконинг иши судга оширилди.



ни тўлаган бўлар эди. Суд ЖКнинг 56-моддасига мувофиқ, белгиланган узул-кесил жазо эса В. Романенко уч йил давомида 30 фоиз, ҳаммаси бўлиб давлатга 90 фоиз иш ҳақини тўлаши керак. Судьяларнинг бундай ҳа-тога йўл қўйиши, улар ишнинг қаттиққўллик билан олиб боргани ёки оддий арифметик амални билмаслигидан далолат беради.

Айтиш жоизки, суд тизимида олиб борилаётган ислохотлар судьялар зиммасига залворли масъулият юклаши табиий. Бироқ ана шундай масъулиятли ва шарафли вазифани бажариш жараёнида айрим судьяларимизнинг бир томонлама ёки нўноқлик билан иш қўриш ҳолатлари ҳам баъзида учраб туради. Хусусан, жиноят ишлари бўйича Сирдарё туман суди жорий йилнинг 30 апрелида Василей Романенкога нисбатан чиқарган ҳукми тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин.

В. Романенконинг жиноят иши бўйича "МАЗ 5549" русумли юк автомобили жиноят қуроли сифатида хатланганидан хабар топган И. Османов автомашинасини қайтариб бериш ҳақида даъво ариза билан мурожаат қилиб, судда даввогар сифатида иштирок этади.

Энди ҳукми автомашинани мусодара қилиш қисмига келсак. Аввало, И. Османовга тегишли бўлган хусусий "МАЗ 5549" русумли юк автомобилни "жиноят қуроли" дейиш мантиққа зид. Чунки ҳайдовчи жиноят содир қилишда автомашинадан қурол сифатида эмас, юк ташини воситаси сифатида фойдаланган, холос. Мабодо, судланувчи В. Романенко ноқонуний олиб ўтган юкни бошқа транспорт воситалари — поезд, пароход ёки самолётда олиб ўтган бўлса, уларни ҳам давлат фойдасига мусодара қилиш керакми?! Албатта, қонун бунга йўл қўймайди. Чунки булар жиноят қуроли эмас, транспорт воситаси.

Уқувчиларимизга тушунарли бўлиш учун воқеа тафсилотини бошдан келтиришга тўғри келади.

Кизиги шундаки, Сирдарё туман суди И. Османовнинг фуқаролик даъвосини қаноатлантирмасдан, унга тегишли бўлган "МАЗ 5549" русумли юк автомобилни "жиноят қуроли" сифатида давлат фойдасига мусодара қилгани етмагандай, В. Романенкога ЖКнинг 182-моддасига асосан айблаб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат фойдасига ўтказиш шартли билан 2 йил ахлоқ тузатиш жазоси белгилади ва ЖКнинг 184-моддаси бўйича ҳам худди шундай жазо чорасини қўллади.

дан чиқарилган ҳукм билан таънишиб чиққан, жиноят иши сифатисиз олиб борилган, деган хулосага келиш мумкин.

Сирдарё шаҳри, Муқимий кўчасида истиқомат қилувчи Илвер Османов давлат рақами 12 С 68-55 бўлган "МАЗ 5549" русумли хусусий автомашинасини маҳалладоши Василей Романенкога 2005 йилнинг 8 августидан бошлаб уч йил муддатга ижарага берган. Ижара шартномаси амалдаги қонунларга риоя қилинган ҳолда расмийлаштирилган.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди ишнинг апелляция тартибида қўриб чиқиб, шу йилнинг 22 майда чиқарган ажрами билан туман суди ҳукмини ўзгартириб, И. Османовнинг апелляция шикоятини оқибатсиз қолдиради.

Тўлигидан ортиқ қўйиш мумкин бўлмасда-да, шунга қарамай суд В. Романенкога узул-кесил ўташи учун жазо чорасини белгилашда 10 фоиз ортиги билан "босиб" берган. Чунки И. Романенко ЖКнинг 182-, 184-моддалари билан белгиланган ахлоқ тузатиш ишларини тўлиғича ўтган тақдирда, 4 йил давомида оладиган иш ҳақининг 20 фоизини давлатга жами 80 фоизи-

Шу йилнинг 19 январида Қозоғистон Республикаси фуқароси Бекпўлат Сармоновга тегишли маргарин ва отрублирни Ўзбекистон Республикасига олиб ўтишда боғжона ва солиқ тўғрисидаги қонунларга амал

қилганда, жазони тўлиғича ўтатиш шартли билан 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазосини тайинлайди.

В. Романенко ижарага олган "МАЗ 5549" русумли юк автомобилни "жиноят қуроли" деб фараз қилинган тақдирда ҳам бу транспорт воситаси унинг мулки эмас. Алинган жинояти учун Валенинг мулкни мусодара қилиш мантиққа зид эмасми? Содир этилган жиноятга аралашмаган ёки бунга умуман алоқаси бўлмаган машина эгаси И. Османовда ҳеч қандай айб йўқ-ку! Нега у ўзганинг айби учун

Муқимий кўчасида истиқомат қилувчи Илвер Османов давлат рақами 12 С 68-55 бўлган "МАЗ 5549" русумли хусусий автомашинасини маҳалладоши Василей Романенкога 2005 йилнинг 8 августидан бошлаб уч йил муддатга ижарага берган. Ижара шартномаси амалдаги қонунларга риоя қилинган ҳолда расмийлаштирилган.

Сирдарё туман суди томони-

Тўлигидан ортиқ қўйиш мумкин бўлмасда-да, шунга қарамай суд В. Романенкога узул-кесил ўташи учун жазо чорасини белгилашда 10 фоиз ортиги билан "босиб" берган. Чунки И. Романенко ЖКнинг 182-, 184-моддалари билан белгиланган ахлоқ тузатиш ишларини тўлиғича ўтган тақдирда, 4 йил давомида оладиган иш ҳақининг 20 фоизини давлатга жами 80 фоизи-

мулкидан маҳрум бўлиши керак-ку?!

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасида "Хар бир шахс мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга" эканлиги, Фуқаролик кодексининг 166-моддасида эса "Мулкнинг дахлсизлиги қонун билан қўриқланиши" белгиланган. Унда "Мулкдорнинг мол-мулкни олиб қўйишга, шунингдек, унинг ҳуқуқларини чеклашга фақат қонунларда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади" дейилган. Жиноятга оид қонунларимизда жиноятга мулкдо алоқаси бўлмаган шахс мулкни мусодара қилиш назарда тутилган эмас.

ЖКнинг 16-моддасига қўра, айбсиз одам жазоланмаслиги керак-ку, ахир! Мамлакатимиз ҳуқуқий-демократик жамият барпо этиш йўлидан борар экан, қонун устуворлигини таъминлаш, ҳар бир ишни адолат нуқтаи назаридан баҳолаш шу куннинг муҳим шартидир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, «Фақат қонунга бўйсунувчи суд, судьялар эса қонуний ҳуқуқларга, ўз виждонига амал қилиб, айбловчи ва ҳимоя қилувчи томонларнинг фикрларини ҳолисона ҳисобга олиш асосида мустақил равишда адолатли, қонуний ҳукм чиқаради... Фақат шундай қилганда ҳозир судни жазоловчи орган деб биладиган одам судга ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиши лозим бўлган орган сифатида мурожаат қиладиган бўлади».

Ўйлаймизки, юқоридagi жиноят иши юқори суд идораларида адолат юзасидан қайта қўрилиб, бу масалага ҳуқуқий баҳо берилди.

Тўлаган ХОНХҲАЕВ, адвокат  
Азамат СУЙОНОВ, журналист

Катта экран орзуси

Давоми. Бошланғичи 1-бетда.



Мустақилликдан кейин мамлакатимизда бир неча киностудиялар ташкил этилди. Улар ўз маҳсулотларини томошабинга пешма-пеш тақдим қилиб туришибди. Бироқ, афсуски, пойтахтдан олис туман ва қишлоқларда истиқомат қилаётган миллионлаб томошабин бу фильмларнинг телевидениедаги реклама-роликларини томоша қилиш билангина чекланиб, ҳаёлан пойтахтлик киностомошабинларга ҳавас қилиб қўйишди холос. Чунки телеэкран тинмай тарғиб қилаётган ўнлаб номда ва мазмундаги миллий кинофильмларимизни асосан тошкентликлар, нари борса пойтахтга яқин вилоятлар маркази аҳолиси томоша қилиш имкониятига эга.

Бир замоналар деярли Ўзбекистонимизнинг ҳар бир яқин-олис қишлоқ ва туманлари, вилоят марказларида мавжуд бўлган катта-кичик кинотеатрлар ҳар доим томошабин билан гавжум бўлган ҳали-ҳамон ёдимиздан кўтарилгани йўқ. Кейинчалик бу масканларнинг аксариятида фаолият деярли тўхтаб қолганидан ҳам хабаримиз бор.

Аслида кинотеатрларни хусусийлаштириш, уларни тадбиркорлар ихтиёрига бериш яхши мақсадларни қўзғаб амалга оширилган эди. Аммо биринчи навбатда қишлоқ (собиқ жамоа ҳўжаликлари ҳисобидagi) клуб ва кинотеатрлари қисқа фурсатда дўкон ва омборхоналарга айлантирилди, кўпчилиги эса бузилиб юборилиб, қурилиш материаллари бошқа мақсадларга ишлатилди. Туман марказларидаги нисбатан каттарoқ кинотеатрларни бирданги йўқотишининг илжoи бўлмаган шекилли, аввал уларнинг эшигига қулф осилди, сўнг аста-секин у ердаги асосий воситаларга "ҳўжум" уюштирилди. Кейинчалик қаровсизлик оқибатида туманлардаги бу каби санъат қoшoналарининг кўпчилиги ярим харoбага айланиб қoлди. Айтмоқчи, киноқoшoналарни хусусийлаштириб олган тадбиркорларимиз баъзан "мурувват" қилиб юборган жойлари ҳам бор. Масалан, баъзи туманларда кинотеатр бинолари улар учун яхшигина даромад манбаига айлантирилди. Санокли бўлса-да, баъзи бирлари фаолият кўрсатаётган, даромад бераётган кинотеатрларнинг томоша залларига шу пайтгача ҳам томошабин қадам қўймаган. Чунки улар ошхона, чойхона, савдо дўконлари, ҳатто (айтишга тил бормайди)... гўш дўконларига айлантирилган. Кинотеатр биноларини хусусийлаштирган ишбилармон-тадбиркорлар ижарага қўйиш мумкин бўлган ҳар бир қарич ер борки ундан "самарали" фойдаланишга ҳаракат қилишган. Жумладан, кинотеатрларга тегишли ҳовли-боғ, қутиш фoелари, касса нуқталари(!)... хуллас, кишиларнинг маънавий ҳордиқ олишлари учун мўлжалланган масканлар аслида бир гуруҳ тадбиркорларнинг моддий манфаати учун хизмат қилмоқда. Аслида бу қoшoналар халқ маънавияти учун хизмат қилиши керак эди-ку, деган савол, афсуски, ҳозирча ҳеч кимни қизиқтирмай келпти.

Агар бундайроқ таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, қабобпазу қассобларга ижара қилиб берилган қаровсиз собиқ кинотеатрлардан (аслида улар шу номга сазовор) асл мақсад йўлида фойдаланилса ҳам, бундан-да кўпроқ фойда кўриш мумкин. Негаки мамлакатимиз киносаноатчилари ишлаб чиқараётган фильмлар савия-даражаси бунга имкон беради. Очирок айтилган бўлсак, миллий киноиндустрияда нафақат пойтахт, балки республикамизнинг олис туман, шаҳарларида ҳам етарли даражада томошабин тўплай олишига шубҳа йўқ. Фақат бунинг учун аввало вилоятлардаги кинотеатрларни асл қиёфасига қайтармоқ лозим бўлади. Эсимда, бир вақтлар Сурхон воҳаси кинотеатрларида "Дев билан пақана" номли бадий фильм катта экранларда намойиш этилган. Бироқ аксарият туманларда фильм намойиши кўнгилдагидек бўлмади. Туман кинотеатрларида нафақат фильм томоша қилиш имконияти бўлмагани, балки ҳатто тасвири экранга узатиб берувчи усқуналар ҳам йўқлиги бунга сабаб бўлди.

Истаймизми-йўқми, киноҳоджорлар биринчи навбатда ўз ижод маҳсулотларига кетган харажатларни қоплаш йўлидадилар. Албатта, олис туман, вилоят кинотеатрларидаги бугунги ҳақиқий аҳволдан озми-кўпми хабардор бўлганлар тўғрисида улар ўз фильмлари намойишини ўша жойларда ҳам давом эттиришдан чўчиброк турганлари бўлиши мумкин. Шунинг учун вилоятлардаги кинотеатрларни ҳақиқий маърифат ўчоғига, маданий дам олиш масканига айлантириш, уларни ўз маъносида халқ хизматига йўналтириш ҳақида тегишли идоралар, мутасаддилар йўналтириш вақт келган чоғи.

Сурхондарёдаги туман кинотеатрларидан бирида узoқ йиллар раҳбарлик қилган маърифатпарвар инсон ҳаваскор шоир Аҳмад Рўзиқўлиевнинг яхши танийман ва у кишининг маънавият, маърифатга даҳлдор қўллаб ширин сўхбатларини олганман. Яқинда туман газетасида Аҳмад ақанинг "Қаровсиз қолган кинотеатр ҳасрати" номли шеъри босилибди. Гарчанд Аҳмад ака шоирликка даъво қилмасалар-да, ўзлари ишлаб ўтган собиқ маданий ўчоғининг бугунги аянчли аҳволи ҳақида ачинаб ёзибдилар. Ҳасрат кинотеатр "тили"дан айтилган бўлса-да, аслида бу Аҳмад ақанинг, у кишига ўхшаган минглаб маънавиятчимиз қуночаклари, томошабинларнинг ҳасрати эканлигини сезиш қийин эмас.

— Ҳозирги видеотекаларда ёшларимиз ахлоқсиз фильмлар кўрмаётганига ким қафолат бера олади, — дейди қунончи Аҳмад ака бир сўхбат чоғида. — Бу каби масканларнинг ҳеч бири ҳақиқий кинотеатр ўрнини боса олмайди. Олис қишлоқ ва туманлардаги фуқаронинг ҳам катта экранда кино томоша қилиб маданий ҳордиқ олишга ҳақи бор, ахир!

Дарҳақиқат, сўхбатдошимнинг гапларида жон бор. Катта экран ва замонавий кинотеатр уларнинг ҳам орзуси. Шундай экан, вилоят, туман, шаҳарлардаги мавжуд кинотеатрлар фаолиятини изга солиш, уларни том маънода маданий масканларга айлантириб халқ хизматига қўйиш фурсати етган. Фақат ўша кинотеатрлар эшигига қулф урган ҳозирги ҳўжайинлария мутасаддилар бунинг ағлаб етсалар, магар туман кинотеатрларининг қайта фаолиятга нафақат халқимиз маънавиятини кўтаришга, балки уларнинг ўзларига-да иқтисодий наф келтиришига шубҳа қилмасалар бўлгани.

Ажабо!

Шу йилнинг 9 марти эди. Мен ўз ҳовлимда очилган ва умр йўлдошим номига расмийлаштирилган, бироқ таъмирланмаётган сабабли анчадан бўён ишламаётган даббани ҳамқишлоқларим Баҳром Қошимов ва Нурсаид Файзиев ёрдамида тартибга келтирибдиз. Тўшдан сўнг қурилиш ишлари 5-6 кунли ичкарига килириб келди-да: "Сиз ҳозиргина харидор Жўракул Тўхтамишевга ярим килограмм миқдори 700 сўмга сотиб, патта бермадингиз. Шу боис биз текшириш ўтказмоқчимиз", дейишди.

Қайси бирига ишонай?

Аммо шахсларини тасдиқловчи ҳужжатларни кўрсатишди. Текширишларни мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорини, режа-ҳадвалани, назорат қилувчи орган раҳбари имзолаган буйруқ нусхасини тақдим этишмади. Лоақал текширишларни рўйхатга олиш китобини ҳам тўлдирмасдан, мени ва ҳамқишлоқларимни ташқарига чиқариб юбордилар. Сўнгра бошқа маҳсулотларга қўшиб тижорат билан шуғулланувчи қайнотам кўни кеча вақтинча сақлаш учун қолдириб кетган ҳўжалиқ молларини ҳам хатловдан ўтказишга қиришдилар.

Кейин билсам, текширувчилардан тўрт нафари вилоят давлат солиқ бошқармасининг масъул ходимлари Х.Нурдинов, С.Собиров, Е.Мамаатов ва Б.Усановлар экан. Қолганлари Оқдарё тумани солиқчилари С.Икромов ва Э.Мавлонов бўлиб, гарчи исм-шарифлари қисқа муддатли текшириш ўтказиш тўғрисидаги буйруқда кўрсатилмаган бўлса-да, улар қонунга хилоф равишда ҳаммасларига "қумқалашиб" юборган эканлар. Энг ажаблანарлиси, дўкондан ҳеч нарса хариқ қилмаган миқдор Жўракул Тўхтамишев ҳам солиқчиларнинг ўз "одами" бўлиб, сўнги тўққиз ой ичнда турли хусусий тадбиркорлик субъектларида уюштирилган 11 та текширишда 7 марта "харидор", 4 марта "қонун" вазифасини ўтаган экан.

Бу қонунбузарлик иши 24 апрель кўни вилоят ҳўжалиқ судида атрофликка ўрганилганда бор ҳолатга юзга қалқиб чиқди. Оқибатда солиқ инспекциясининг мандан 3,1 миллион сўм миқдорда молиявий жарима ундириш борасидаги асоссиз даъво-аризасини қаноатлантириш тўлиқ рад этилди. Ана шундай бир вазиятда туман прокуратураси фалати йўл тутди. Тадбирда гаирқонуний иштирок этган солиқ инспекцияси ходимлари тўғилган ҳўжжатларга таянган ҳолда мени Жиноят кодексининг 183-моддаси 3-қисми билан жавобгарликка тортиш юзасидан айблов хулосаси тўзди. Ақсига олгандай, жиноят ишлари бўйича Оқдарё тумани судининг раиси М.Османов ҳам масалага ҳолисона ёндашди. Ишнинг ниҳоятда юзаси ва бирқалама қўриб, шу йил 7 июнда менга 2,1 миллион сўмлик жарима жазоси тайинлаш ва жами қиймати 1,3 миллион сўмга тенг биронорлик ашёларини давлат эгалигига ўтказиш ҳақида ҳукми чиқарди.

Ажабо, бу қанақаси? Айнан битта ҳолат бўйича ҳуқуқшунослар нега икки хил тўхтамага келишди? Ёки ҳўжалиқ суди билан жиноят ишлари бўйича суд бошқа-бошқа қонунлар асосида иш қилишди? Бу муаммага ким ойдин-келди киритди? Вақолати доирасидан четга чиқиб, мансабни сунистеъмом қилган, менинг ҳақ-ҳуқуқларим ва қонуний манфаатларимни поймаётган солиқчиларга нисбатан ким қатъий чора қўлади?

Ахмадجان МАРДИЕВ  
Оқдарё тумани, Даҳбед кўрғони

Аввал ўзингга боқ...

Сал кўйида ўша буйруқ бўйича текшириш натижаларидан қаноатланмагани учун унинг 2003 йилнинг 25 июлида номи зикр этилган вазирликка "Пенсияларни қайта ҳисоблаш ва тўғри ҳисоблаб тўлиниши бўйича катта миқдордаги бюджет маблағлари ўмарилаётганини тўғрисида хат жўнатдим" дегани айтилди.

Уша ҳат бўйича текшириш ўтказилганда бўлимдаги бошқа хатолар қатори М. Саидовнинг ҳам камчиликлари аниқланди. Навоий вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси Назорат-тафтиш бўлимининг 2003 йил 3 декабрда тўзган далолатномасида кўрсатилганда, фуқаро Ханифа Мирзаевага М. Саидов томонидан ноқонуний пенсия тайинлангани ва унинг айби билан бюджетдан 106533 сўм ортиқча пенсия тўлаб юборилгани ошкор бўлиб қолди. Мухбир унинг тилидан катта-катта рақамларни келтиради-ю, аризачининг ўзи йўл қўйган камчилиги ҳақида лом-мим демайди. Ваҳоланки, Хатирчи тумани прокуратурининг Навоий вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Ж. Норовга 2004 йил 3 февраль кўни киритган 7-04-тақдимномасида ҳам зикр этилган фактлар келтирилди.

Шу орада Хатирчи тумани А. Пўлатов фермерлар уюшмаси худудида истиқомат қилувчи фуқаро Илхом Ҳожиевнинг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратури номига ёзган шикоят аризаси бўйича Хатирчи туман ижтимоий таъминот бўлимининг 2000-2003 йиллардаги фаолияти тафтиш қилинди. Натижада шу йиллар оралиғида 21 854 830 сўм ортиқча ва шунинг баробарида 975 миң сўм кам пенсия тўлангани ҳолатлари аниқланди. Ушбу пул миқдори Хатирчи туман Янгиробот почта алоқа шўбасидан ундирилиб, бюджетга қайтарилди. Ушбу ҳолат бўйича Навоий вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғининг буйруғи билан туман ижтимоий таъминот бўлими ходимларига турли жазолар берилди.

Маълум бўлганича, аслида М.Саидовнинг шикоят хатим бўйича текширув ўтказилиб, камчиликлар аниқланди, деган гапи ҳам ёлгон бўлиб чиқпти. Аслида бу шикоят аризасини фуқаро И. Ҳожиев ёзган эди.

Энди туман ижтимоий таъминот бўлимига Хилола Норова бўлим бошлиғи этиб тайинланганидан сўнгги аҳволга тўхталаган бўлсак, мақолада унинг пенсия таъминотига оид "ишдаги қонун бузилишлари (қонунбузилишлар эмас!) аввалги раҳбар даврдан ҳам кўпроқ авҳига чиққанини кўриб, фигони фалакка чиққани" ва «бу тўғрисида янги раҳбарга бир неча мартада билдирги киритгани» айтилади. Ваҳоланки, у бўлим бошлиғига фақат бир марта 2005 йил 16 ноябр кўни билдирги ёзган ва у бўлим йиғилишида 2005 йил 24 ноябр кўни қўриб чиқилган. М. Саидов билдирган ёзган фактларини исботлаб бера олмагани учун йиғилиш қарорининг 4-бандига «М. Саидовнинг билдирши хатидаги фактлар ўз тасдиғини топмаганлиги ва бу тўғрисида М. Саидовнинг ўзи ҳам гувоҳ бўлганлиги алоҳида таъкидлансин» деб ёзиб қўйилди.

Мақолада кўтарилган аттестация масаласи: шунинг айтиш лозимки, "М. Саидовга нисбатан яна бир "хунар" уйлаб топилди" деган гап фирт ёлгон. Негаки, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2005 йил 3 октябрдаги 197-буйруғи ва Навоий вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғининг 2005 йил 17 октябрдаги 102-К-буйруғига асосан, туман,

шаҳар меҳнат ва ижтимоий таъминот бўлими бошлиқлари ҳамда ижтимоий таъминот бўлими бошлиқларининг пенсия бўйича ўринбосарлари 2005 йил 13-14 декабр кўнлари аттестациядан ўтказилган. Боз устига, М. Саидов бу ҳақда 1 ой олдин амалдаги тартиб асосида оғоҳлантирилган эди. Ҳамма бир марта аттестациядан ўтса, аттестация комиссияси унга имконият бериб, иккита саволни жавоб бериш учун олдиндан бериб қўйди, аммо у барибир ўтолмади. Шундан сўнг айнан 14 декабрдан бошлаб касаллик варақасини расмийлаштириб олди ва 2006 йил 1 февраль қадр касаллик варақасида бўлди. Унга аттестациядан ўтолмагани учун Навоий вилоят давлат меҳнат инспекцияси бошлиғи Х. Худойқўлов, Хатирчи туман ижтимоий таъминот бўлими ҳуқуқшуноси А. Эрнazarова 2006 йил 10 февраль ва 14 февраль кўнлари янги иш тақлиф қилиш мақсадида уйига икки марта йўқлаб боришда, бир марта уйда бўлмади, кейинги сафар борилганда эса у: "Менга аввал меҳнат таътили беринглар, кейин йўлаб кўраман" деган гапни айтди. Ундан сал олдинроқ, яъни 2005 йил 16 декабр кўни эса бўлим бошлиғи Х. Норованинг имзоси билан ўша йили 20 декабр кўни унга янги иш тақлиф қилиш бўйича бўлимнинг мажлиси бўлиши ва у ўша мажлисда иштирок этиши сўралиб хат юборилди, аммо у мажлисга келмади.

Шундан сўнг 2006 йил 15 февраль санаси билан бўлим бошлиғи Х. Норова номига, бўлимнинг ҳуқуқшуноси лавозимида ишлашга розилик билдираман, деб билдириш хатини ёзиб, ўғлидан бериб юборди, ўзи эса келмади.

Мақолада: "Ниҳоят, 2006 йил мартга келиб, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг бевосита аралашуви билан бўлимда ҳуқуқшуно сифатида иш бошладим", дейди. Ваҳоланки, юқорида келтирилган фактлар вазирликнинг аралашувисиз ҳал бўлгани, бўлим бошлиғи Х. Норова қонун доирасида иш қўрган маълум бўлганлиги. Ҳатто М.Саидовнинг номига вилоят бош бошқармаси бошлиғи Ж. Норов ҳам 2006 йил 6 февралда иккита: 1) ҳуқуқшуно; 2) ижтимоий ёрдамни ташкиллаштириш шўбба мутахассиси лавозимини тақлиф этиб хат юборган. У эса алоқа хатини олишдан бош торган.

Мақолада бир миллион 200 миң сўмлик кам таъминланган оилаларга берилиши керак бўлган йўлланмалар Х. Норованинг хотамтоғлиги тўғрисида бўлим ходимлари томонидан хомташлаб қилинган, дейлади. Тилга олинган йўлланмалар аслида уруш ногиронлари ва қатнашчиларига, пенсионерларга бепул берилади. Тўғриси, мақола муаллифи бир миллион 200 миң сўм деган рақамни қаердан олганини билолмай ҳайронми, чунки йўлланмага ҳеч қандай нарх қўйилмайди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигиндан 2005 йил 6 июлда рўйхатдан ўтган "Ўзбекистон Республикасида но-

гиронлар ва пенсионерларни санаторий-курорт йўлланмалари билан бепул таъминлаш тўғрисида"ги 1489-йўриқнома, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2005 йил 24 майдаги 99-буйруғи, Молия вазирлигининг 2005 йил 25 майдаги 44-буйруғи билан тасдиқланган йўриқномага асосан йўлланмалар навбат асосида бепул тарқатилади. Барча йўлланмалар туман ижтимоий таъминот бўлимига Навоий вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасидан ишончнома билан олиниб, фактура билан келтирилади ва навбатга ёзилган уруш ногиронлари ва қатнашчиларига ҳамда пенсионерларга тарқатилади.

Хусусан, 2006 йилда 167 нафар ногирон ва пенсионерга навбат асосида бепул йўлланма тарқатилди. Шундан 20 таси «Навоийазот» профилакторийсига, 147 таси вазирлик тизимидаги Товоқсой, Олтиарик, Қосонлик, "Маржонсуви" сихатқорлиғига берилди. 2007 йилда эса 90 кишига шундай йўлланма тарқатилди.

Мухбир "Шунча текширув ва айбдор шахсларга нисбатан қўрилган чораларга қарамасдан туман ижтимоий таъминот бўлимида ҳали-бери талон-тарожликлар барҳам топадиганга ўхшамайди", деб ёзади-ю, бирорта ҳам фактни келтирмайди. Бу ҳам етмагандай, турли идораларга йўлланган шикоят хатларининг бирортасига ҳам ҳўжали жавоб берилмаган, деб кистириб ўтди. Шу ўринда у ўзига-ўзига қарши борганини айтиб ўтиш жоиз. Негаки, мақолада келтирилган фактлар ва уларга асосан туман ижтимоий таъминот бўлими мутасаддиларига, шу жумладан, М. Саидовнинг ўзига ҳам қўрилган жазо чоралари бирма-бир санаб ўтилди. "Буларнинг барчаси Мирсалим Саидовга тинчлик




Тафсилот

Италия қамқоналарида умрбод озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган маҳкумлар арз-доҳ билан мамлакат президентиға мурожаат қилишди. Маҳкумларнинг давлат раҳбарига йўллаган мактуби Италияда энг оммабоп нашрлардан бири саналган «La Repubblica» газетасида чоп этилди.

Тавбасига таянган маҳкумлар

310 нафар маҳкум томонидан имзоланган номада қолган умрини қамқонада ўтказиш ўлимдан ҳам оғир жазо экани айтилган. «Бизнинг умримиз мазмунсиз бўлиб қолди ва ҳаётимиз улкан хато ва адоқсиз азобга айланди» дейилади хатда. Қотилик, мафия билан боғлиқ жиноятлар ҳамда террорчилик ҳаракатлари учун умрбод қамқоққа маҳкум этилган шахслар озодликдан маҳрум этишни ўлим жазоси билан алмаштирилишини сўрашган.



давомида намунали хулқ-атвор билан тўса, маълум муддат таътил олиши мумкин. 26 йил ўтгандан кейин эса маҳкумни муддатдан олдин озодликка чиқариш масаласи кўрилиши мумкин. Қонунларга кўра, мамлакат президенти умрбод қамқоққа маҳкум қилинган шахсни авф этиб, озодликка чиқариши мумкинлиги ҳам белгиланган. Бироқ бундай ҳолат камдан кам рўй беради.

Маҳкумларнинг ушбу илтимоси Италия раҳбарини ҳам ўйлантириб қўйди. Биринчидан, Италияда ўлим жазоси бундан 60 йилча олдин бекор қилинган. Иккинчидан, президент маҳкумларнинг жазо турини алмаштириш ваколати эга эмас.

Италия жиноят қонунчилигиға кўра, жиноятчилар учун энг оғир жазо умрбод озодликдан маҳрум этиш саналади. Бу жазо шахс ўта оғир жиноятлар содир этган пайтда қўйланади.

Маълумотларга қараганда, айни пайтда Италияда 1294 нафар маҳкум умрбод озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётди (уларнинг 1269 таси эркак, 25 таси аёл). Мамлакат қонунчилигиға биноан, ушбу жазога тайинланган шахс ўзини 10 йил

Мамлакатда инсонпарварлик тамойлидан келиб чиқиб ўлим жазоси бекор қилингани, унинг ўрнига умрбод қамқоқ жазоси тайинланганига ҳам ярим асрдан ошди. Лекин ҳозир ҳам италиян жамоатчилиги орасида умрбод қамқоқ жазосига қарши фуқаролар, арбоблар учраб туради. Масалан, коммунистлар партияси аъзоси, сенатор Мария Луиза Боччия жиноятчиларга ана шундай жазо тайинланишиға муллақо қарши. Сенатор хоним яқинда парламентага умрбод қамқоқ жазосини бекор қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини ҳам тақлиф қилган. Мария Боччияға кўра, маҳкумларга ушбу жазонинг тайинланиши «Жазо жиноятчи хонимиятга қайтариши керак» деган конституцион принципига зид.

Нигора МИНГБОВЕВА

Кўргазмада — Наполеоннинг тиш чўткаси

Ана шундай ажаботвор ва гаройиб экспонатлар Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида иш бошланган «Велком коллекцияси» музейиға қўйилган. Хали очилганиға кўп бўлмасда, санъат, фан ва тиббиётга оид 1500 га яқин гаройиб буюмлар жамланган маскандан одамлар қадами узилмапти.

тиббиёт мактабида ишлатилган кўргазмали қуроллар бор.

Музей витриналариға машхур расмолар Леонардо да Винчи, Пикассоларнинг асарлари ҳам қўйилган. Қанчалик галатия туълмасин, таниқли санъаткорлар асарлари билан бир қаторда кўйинг бош суягидан тайёрланган чилим ва яна бошқа антиқа буюмларни томошқа қилиш мумкин.

Музейиға қўйилган экспонатлар сар Генри Велкомға қарашли бўлиб, гаройиб буюмлар бутун дунё мамлакатларидан йилган. «Велком коллекцияси» экспонатларининг умумий қиммати 30 миллион фунт стерлингни ташкил этади.

Музей маъмурияти томошабинларни хайратлантириш учун бор маҳоратини ишга солган. Томошагоҳға кирган киши бири-бириға ўхшамайдиғи антиқа буюмларға кўзи ташади. Экспонатлар орасида бундан бир неча асрдан олдин яратилган япон кўйирчоқлари, машхур инглиз фотиҳи адмирал Нельсоннинг соқолтароши, француз императори Наполеоннинг тиш тозалаш чўткаси, инсон ДНКсини текширувчи робот нусхаси, XVIII асрда Падуа

Дарвоқе, музейға ташриф буюрган томошабинлар бекор аёлнинг юра-



Папворт шифохонасида трансплантация йўли билан алмаштирилганди.

Музейиға қўйилган экспонатлар сар Генри Велкомға қарашли бўлиб, гаройиб буюмлар бутун дунё мамлакатларидан йилган. «Велком коллекцияси» экспонатларининг умумий қиммати 30 миллион фунт стерлингни ташкил этади.

Шерзод УРДАШЕВ тайёрлади

ХАЛҚАРО ВОКЕЛАР GLOBUS INTERNATIONAL LIFE

Сиёсат


Генри Киссинжер: «Ядро қуроли гегемонлик воситаси эмас!»



Генри Киссинжер — дунёга таниқли сиёсатдонлардан бири. АҚШ президенти Ричард Никсон ва Жеральд Форд даврида Давлат котиби лавозимида хизмат қилган арбоб ҳукумат хизматидан 27 йил муқаддам кетган. Лекин ҳозирға қадар Г. Киссинжернинг фикрлари мамлакатнинг расмий доираларида ҳам эътиборга олинади.

Собик Давлат котиби барча сиёсий арбоблар каби табиатан журналистлар билан учрашувга қийин берибди. Қуйида халқаро сиёсатнинг муҳим масалалариға бағишланган ушбу сўхбат қисқартirilган ҳолда эътиборингизға ҳавола этилмоқда.

— Сизнингча, Ироқ инқирозидан чиқининг энг самарали йўли қайси? — Назарий жиҳатдан қараганда, мураккаб вазиятдан чиқининг энг яхши йўли бу — галаба. Лекин олдин ҳам айтганимдек, бутун Ироқ ҳудудида тан олинган ҳукумат ташкил этишға хизмат қилувчи тўла галаба имконсиздир. Шундай экан, ҳозирги вазиятда ўзаро келишувға асосланган сулҳқа эришиш керак. Мазкур қарор Америка харбийларининг Ироқ заминида бўлишини ҳам, шунингдек, бошқа давлатларнинг хавфсизлик борасидаги талабларини ҳам инобатга олмоғи лозим. Ҳозирда асосий иш айни шу йўналишда олиб бориляпти.



— Ироқда бугунги кунда қучиб барқарорлик ҳукм сурияпти. Ҳатто Америка харбий амалиётлар бошлагунға қадар ҳам бундай ҳолат кузатилмаган эди» деган фикрларни қўллаб-қувватлайсиз? — Агар рақамлар мантиғиға кўра жавоб берсам, бу фикрда жон бор: биз Ироқ борасида жуда кўп хатолар қиялғимиз.

Бироқ келинг, бу масалани ётиги билан мушоҳада қилиб кўрайлик. Сиз минтақада энг жамоатчилик фикри ва фаол иштироки ҳар бир соҳанинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, сайловолди жараёнларда уларнинг фаоллигини ошириш, электорал хулқини шакллантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири.

чеккан. Айтмоқчиманки, президент Бушнинг гоёси муллақо янги эмас. Шу асосда Афғонистонда вужудға келган оғир вазиятдан келиб чиқиб, барқарорликка эришиш учун Ироқ ҳукуматини ўзгартиришға қарор қилинди. Албатта, ўшандан буён қўллаб хатоларға йўл қўйилди ва, менимча, вазият олдин тасаввур қилинганидан ҳам оғирлашди. Мен Ироққа кўшин киритиш тарафдори бўлганман, бироқ харбий амалиётларнинг турли босқичлариға муносабатим турлича бўлган. Ўз вақтида вазиятни яхшилаш учун зарур шартларни ҳам айтганман.

— Сиз ядро қуроли тарқалишиға қарши янги концепцияни ишлаб чиқишда иштирок этдингиз. Бунга кўра, ядро қуролиға эга давлатлар бу борадаги фаолиятини чеклаши лозим. Бундай фикрға келишда нимаға таянгансиз? — Бу гоё тўрт кишиға: икки республикачи ва икки демократга тегишли. Лекин биз концепцияни ҳали деталла-детал ишлаб чиқмадик. Умуман олганда, биз Эрон ёки Шимолий Кореянинг оммавий қирғин қуролиға эга бўлишиға қарши чикдик. Бироқ гоё келажакда амалға ошиши учун ядро қуролиға эга давлатларға мурожаат қилиш керак. Токи ядро қуроли унга эғалик қилувчи мамлакатларнинг гегемонлиғиға хизмат қилувчи восита бўлиб қолмасин.

— Эронға қарши харбий амалиёт бошлаш тўғрисидаги овозларни қандай баҳолайсиз? — Қўшма Штатлардаги бирор бир инсон харбий операция бошланишини истамайди. Бироқ бу

ўринда икки муаммо кўндаланг турибди: бир томондан, Эрон ядро дастури, иккинчи томондан, Яқин Шарқда ҳукм сураётган тартибсизлик ва терроризм. Мазкур муаммони ҳал этишнинг идеал варианты музокаралар йўлидир. Америка ҳукумати ҳукумат тўнтариси ва харбий амалиётларға хозирлик кўрмаётганини ошқора маълум қилди. Бироқ ақли инсонлар ҳеч қачон «ҳеч қачон» дейишмайди.

— Келинг, Фаластин-Исроил зиддиятиға ҳам тўхталиб ўтайлик.

— Ушбу муаммони ечиш учун асосий шартни бажариш керак. Минтақада тегишли бўлмаган катта давлатлар аниқ тавсияларини илгари суришлари лозим. Исроилликлар ҳаракат режаси борасида ички сиёсий қарор қабул қилиши зарур. Араб давлатлари эса расман Исроил давлатини тан олишлари керак. Шунингдек, улар музокаралар учун ҳамкор давлатни белгилашлари лозим.

— Яқин кунларда бирор келишувға эришишға кўзингиз етадингиз?

— Минтақадаги тартибсизлик вазиятға аниқ баҳо беришға тўсқинлик қилади. Агар «яқин кунлар» деганда 15 ойни назарда тутаятган бўлсангиз, бу муддатда олдинги силжиш бўлиши мумкин.

— Россиянинг Владимир Путин бошқарувидаги ривожини қандай баҳолайсиз?

— Владимир Путин ўзини Пётр Биринчи ва Буюк Екатерина ишларининг давомчиси деб билади: у Россияға ўтмиш кудратини қайтариш учун ҳаракат қиялпти ва шу йўлда ўз мамлакатини ислоҳ этапти. Айтиш керакки, бу жараён ҳар доим ҳам Россия учун қийин кечган. Умид қиламанки, ушбу ислоҳотлар яқинда Россиянинг ижтимоий-сиёсий қурилиши бизнинг умидларимизға янада кўпроқ мувофиқ бўлади. Лекин тан олиш жоизки, бу жараён кўп вақт талаб этади ва буни тўғри тушуниши-нгнизи сўрайман.

Абдул СОБИР тайёрлади

Ислоҳот

Юртимизда жорий йил «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилингани ва бу борада давлат дастури ишлаб чиқилганидан газетхонларнинг хабари бор. Мамлакат бюджетининг 54 фоиздан кўпроқ миқдордаги ресурслар давлат дастури доирасида кўзда тутилган вазифаларни амалға ошириш учун йўналтирилган. Дастурда мамлакатнинг иқтисодий-дефитининг барча соҳаларида янги ишчи ўрнларини яратиш долзарб вазифа сифатида белгилангани бежиз эмас. Наманган вилоятида ҳам бу борада бир қатор ижобий ишлар амалға ошириляётганини кузатиш мумкин.

Меҳнат бозори — рақобат майдони

Наманган республикадаги йирик саноатлашган ва айни пайтда аҳолиси зич жойлашган вилоятлардан биридир. Бу эса ҳар йили қўшимча ишчи ўрнларига бўлган эҳтиёжни пайдо қилаётир. Шу боисдан ҳам вилоятда «Бандлик» дастури узоқ муддатни кўзлаб ишлаб чиқилган. Статистика маълумотларига назар солсан, вилоятда меҳнатға яроқлилар 1172,3 минг кишини ёки умумий аҳолининг 54 фоизини ташкил этади. Ҳозирда ижтимоий меҳнат билан банд бўлганлар 716 минг кишини ёки меҳнат ресурсларига нисбатан 61,1 фоизини ташкил этмоқда. Утган йил мобайнида 43308 фуқаро иш сўраб мурожаат этган, улардан 33700 кишининг аризаси ижобий ҳал этилган. Айни пайтда иш билан таъминланмаган 8614 кишиға ишсизлик мақоми берилди, шундан 3052 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди.

2006 йил мобайнида шаҳар, туманларда ҳокимликлар, меҳнат бўлимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, «Қамолот» ЕИҲ билан ҳамкорликда 48 марта меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Бу йўл билан 3025 киши иш билан таъминланди. Вилоятда «2006-2007 йилларда аҳолини иш билан таъминлаш, рақобат ва тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий дастури»ға мувофиқ, ўтган йили 40 мингта янги иш ўрни яратилди. Бу режадагидан анча орттиқдир. Вилоятда фаолият кўрсатаётган 76 та қўшма корхонанинг аксарияти меҳнат бозорига фаол қатнашмоқда.

Қишлоқларда мулкчиликнинг янги шакли сифатида истиқлолнинг дастлабки йилларидан фаолият кўрсатаётган фермерлик ҳаракати бугун бутун мамлакатни қамраб борапти. Жумладан, Наманган вилоятида ҳам ширкатлар тугатилиб, уларнинг ерлари танлов асосида фермерларға берилди. Шу тариха ширкатлардан бўшган 23156 нафар ишчи ходимларнинг 20504 нафари фермер хўжалиқларига ишға қабул қилинди.

Меҳнат бозорининг талаби қаттиқ. Унда хоҳ хусусий, хоҳ МЧЖ, хоҳ фермер хўжалиғи бўлсин, энди илгари-дек иштирокчи, кун ўтдиға ишлайдиган шахсларға ўрин йўқ. Ишға қабул қилувчи ходимнинг малакаси, профессионал касб даражаси, билими, иқтидор ва шу каби замонга мос фойдали томонларини ҳисобға олади. Демак, рақобат ишға кирувчилар ўртасида тобора кучаймоқда. Тadbirkorлар, фермерлар эртанги кунни ўйлаб касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлири билан манфаатли ҳамкорликка интилясалар, мақсада мувофиқ бўларди. Чунки вилоятнинг 81 та касб-хунар коллежидан 100 га яқин мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрланапти. Аксарият коллежларнинг битирувчилари қаерға бориб ишлагға бошлари қотган. Бу борада юқори мутасадди идора вақиларининг ташкилотчилигини яна ҳам кучайтириш зарур.

Дилшод ИСМОИЛОВ, Наманган муҳандислик-иқтисодий институти талабаси

Янгиловчи хужайралар

Ёшлар ҳақида гап кетса, Карл Чапекнинг бир масали беихтиёр эсимға келаярди.

— Ёшларға йўл беринг!  
— Қайси ёшларға?  
— Эллик йил олдинги ёшларға!



Албатта, бу масал «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашининг мажлислар залида бўлиб ўтган форумға тегишли эмас. Унда боғлиқ жойи нимада дерсиз? Форум мавзуси «Мамлакат ҳаётидаги янгиланишларда ёшларнинг фаоллигини ошириш ва бунда ОАВнинг ўрни» дея белгиланган. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, «Қамолот» ЕИҲ ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳам қорликда ўтказган форумда Бош вазир ўринбосари А. Орипов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси вақиллари, ОАВ ходимлари ва олимлар иштирок этишди.

Тадбир аввалида Жамоат фонднинг «Жамият ва мен» танлови голибларини мукофотлаш маросими бўлиб ўтди. «Қамолот» ЕИҲ ёшлар мавзусини фаол ёритган журналистларни, Фуқаролик жа-

миятини ўрганиш институти ҳам соҳадаги фаол журналистларни тақдирлашди. Модератор Олим Ташбеков лутф қилганидек, кечга-ча ҳамма икки-уч қайта мукофотланди.

Жамият ҳаётидаги янгиланишларнинг қарийб барчаси ёшлар қатламидан бошланади. Шунинг учун ҳам оталар ва болалар масаласи доимо муаммо бўлиб келган. Миср эҳромларида «ҳозирги ёшлар»дан нолиб эзилган ёзувлар учраб экан. Утган асрнинг 60-йилларида чиққан китобда ҳам ўқиганим бор «ҳозирги ёшларнинг «бузилиб» кетганлиги» ҳақида. Уша 60-йиллар ёшлари ҳам ҳозирги ёшлардан нолишадди. Доимо неваралар болаларидан фарқ қилган дунёқарашда, ҳаётини принципларида... «Еш

турлар», «Еш бухороларлар» каби ҳаракатлар жамиятға катта янгиланишлар олиб кирганлигини яхши биламиз. Фашизм балоси ҳам ёшларнинг айрича фаоллашувида келиб чиққан дейилади китобларда. Демак, фаол ёшлар қатлами жамият учун ҳам ҳаёт, ҳам мамот бўлиши мумкин.

Салбий ва ижобий ахборот оқимлари ҳукмрон бўлган бугунги кунда мамлакат ёшлари фаоллиги муҳимлиги ва бунда ОАВнинг ўрни иштирокчилар томонидан бирдек эътироф этилди. «Ғарбдан келаятган ахборот оқимини биз фақат салбий деб талқин қилишға ўрганиб қолганмиз. Ваҳоланки, унинг ижобий томонлари ҳам кўп», дея санай кетди Султонмурод Олим. Глобал дунёда бировға махлиб бўлиб ўзини, ўзлигини ҳам унутиб қўймайлик кераклиғиға ҳам эътибор қаратилади. Бу масалда ОАВларнинг фаолияти ижобий баҳоланади... ва танқид қилинди.

Тушдан кейин «Келажакка эркин фикр билан» фильми намойиш этилди. Сўнгра журналистлар учун «Нашрларда ижтимоий-сиёсий мавзунинг ёритилиш даражаси» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Ф. ЖАББОРОВ

Доимий назоратға олинди

Шофирқон тумани Жўйрабод қишлоқ фуқаролар йиғини Қоравулон қишлоғида яшовчи С. Отаеванинг газета таҳририятиға ёзган аризаси вилоят ҳокимлигининг тегишли мутасадди ходимлари томонидан жойиға чикиб атрофлича ўрганилди.

С. Отаева 1994 йилда турмуш ўртоғи Ф. Санокўлов билан қонуний никоҳдан ўтиб, 2006 йилға қадар бирга яшаб келган. Икки нафар фарзандлари бор. Оилавий келишмовчиликлар сабабли С. Отаеванинг турмуш ўртоғи билан никоҳи қонуний бекор қилинган. Ўрганишда оила ўртасидаги мол-мулк тақсимотида келишмовчиликлар борлиғи аниқланди. Никоҳи бекор қилиш судий айтиш билан Ёшлар ўқувон туманлараро фуқаролик судий уй-рўзгор буюмларини тақсимлаш ҳақидаги 1-33166-сонли фуқаролик ишчи кўриб чиқиб, С. Отаеваға тегишли уй-рўзгор буюмларини олиб бериш тўғрисида қарор қабул қилган. Унга биноан рўйхатта

олинган уй-рўзгор буюмлари хат муаллифиға олиб берилди.

Ариза муаллифи С. Отаеваға ишдан уй-жойидан унга ва болаларига тегишли улушини ундириб олиш учун белгиланган тартибда фуқаролик ишлари бўйича судға мурожаат этиш ҳуқуқи борлиғи билдирилди. Унинг ҳуқуқларини ҳимоя этилишиға ердан кўрсатиш мақсадида вилоятда фаолият кўрсатаётган «Ойдин Нури» инқироз маркази томонидан бегул адоқат хизмати кўрсатиш ташкил этилди.

Фуқаронинг оиласини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун 2007 йил май ойидан бошлаб, вояға етмаган болалари учун 16 ёшга нафақа пули тайинланди.

С. Отаеванинг оиласи вилоят хотин-қизлар қўмитаси томонидан доимий назоратға олинганлигини билдиради.

М. СОДИКОВА, Бухоро вилоят ҳокимининг ўринбосари



Эхтиром

Болакайларнинг миннатсиз хизматкори

Агар янглишмасам, 1966 йилнинг охирида эди. Ушанда "Гунча" журналида ишлардим. Мухарриратдагилар обуна тарғиботи баҳонасида мени Олтиариққа сафарга жўнатишаётиб: "Анвар Обиджонов ўқийдиган 13-мактабга ҳам боринг, топиб, гаплашиб кўринг", деб тайинлашди.



Анвар Обиджонов

Мирасиз АЪЗАМ
Олтиариқда учрашувлар ўтказиб, орада Анвар ўқийдиган мактабда ҳам бўлдим. Учрашув чоғида унинг чикиб қолишидан умид қилдим, аммо ундан дарак бўлмади.

Ўн хусусияти қолиб кетади. Мен эса, айниқса, ўз яқинларим, жигарларим ҳақида дурусткор сўз топиб айтганим айдиған нўноқлардан бириман. Фақат ишонч билан айтишим мўмкин бўлган гап шуки, Анвар ўзбек болалар адабиётининг йирик ижодкорларидан бири.

Мартга қўл олишиб кўришдим. Билсам, ҳарбий хизматдан қайтиши биланоқ дадаси вафот этибди, хонадонда катта ўғил бўлгани учун, қолзога ишга кириб, далада табелчилик қилибди. Энди туман газетасига муҳбир бўлиб ўтибди.

Ушундай ҳолатлардан бириман. Фақат ишонч билан айтишим мўмкин бўлган гап шуки, Анвар ўзбек болалар адабиётининг йирик ижодкорларидан бири. Машхур ёзувчимиз Худойберди Тўхтабевнинг "Халқ сўзи" газетасида босилган мақоласидаги: "Қ. Мухаммадий, П. Мўмин, Ҳ. Назир асарларини ўқиб, Худого шукур, шундай ижодкорларимиз бор-а, деб фахрланаман.

Танишув
Чўкиб кетсам ялпизларнинг исларига Кўнгилгинам армонлиқ қолмас эди. Айлансайдим севгилимининг изларига, Кўзларим ҳам интиқ қўтиб толмас эди.

Қўйиб қолдим
Қуёшжон, кел, сени бағримга босай, Оймомо, кафтима рақс этмайсанми? Севгижон, кел, кўзингдан ўлай, Баҳорой, сен менга гул тутмайсанми?

Таълим
Ватан боғчадан бошланади
Термиз туманидаги "Қуёшча" номли 2-боғчанинг ишлаётганига, чор-атрофдаги Янгиарик қишлоғи аҳли ва "Жайронхона" санаторийси ходимлари фарзандларини ўз қучоғига олганига салкам қирқ йил бўлибди.

«Қарсак, ўртоқлар, қарсак...»
Аннамурод Жумақулиев
Денов туманига қарашли И. Тўраев номили дехқон фермерлар ҳўжалигида ҳам бир тўйда бўлдим. Бу тўйни ўша ерлик Собир Келдиев деган йигит олиб борди.

Асотир
Ўртаб
...Ўрмон узра ҳазин қуй таралмоқда. Бу нола яқин-атрофдаги бутун жонзот — қуш ҳайвонлар қулоғига чалиниши заҳоти улар тош юракларни ҳам симобдек эритишга қодир қуй ижроси — Қақнуснинг доланд дарахт тепасида жойлашган ини атрофидаги бов-дарахлар остидан жой эгаллашга ошиқадилар.

Асотир
Ўртаб
...Ўрмон узра ҳазин қуй таралмоқда. Бу нола яқин-атрофдаги бутун жонзот — қуш ҳайвонлар қулоғига чалиниши заҳоти улар тош юракларни ҳам симобдек эритишга қодир қуй ижроси — Қақнуснинг доланд дарахт тепасида жойлашган ини атрофидаги бов-дарахлар остидан жой эгаллашга ошиқадилар.

Яхши ва ёмон
Луқмоннинг хожаси жонлиқ қурбонлик қилиб, сўйилган қўйнинг энг яхши аъсосини пишириб келишни буюрибди. Луқмон қўй юраги ва тилидан таом тайёрлаб келибди. Эртасига хожаси унга энди қўйнинг энг ёмон аъзоларини пишириб келишни айтибди.

Шоҳ ва соҳибжамол
Қуларнинг бирини сайр қилиб юрган шоҳнинг кўзи хуснда тенги йўқ аёлга тушиб қолади. У ўзига ҳамроҳлик қилаётган аъёнига юрагига чўғ ташлаган бу соҳибжамолнинг ким эканлигини аниқлашни буюради.

HURRIYAT
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуоти ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Бонг муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ
Тахрир хайъати: Хуршид ДУСТМУХАММАД, Азамат ЗИЁ, Наним КАРИМОВ, Абдуқоххор ИБРОХИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Шерзод ҲУЛОМОВ

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй.
Тел-факс: 135-39-01. Тел: 142-49-91, 142-52-72
Индексе: Яқса обуначилар ва ташкилотлар учун — 233
Тахририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Набатчи: Фаррух ЖАББОРОВ
Топшириш вақти — 20.00 Топширилди — 19.30
Буюртма — Г-654 Т: 2565 1 2 3 4 5